ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШ ЮРИТИШ ВА УЛАР ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ ЎРНИ

С.М.САХАДДИНОВ

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда [1.15-16].

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “1993 йили қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги биринчи Қонунда, айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби умумэътироф этилган тамойиллар белгилаб қўйилган эди. Ушбу тамойиллар жиноят, жиноят-процессуал ва бошқа қатор кодекс, қонунларда ривожлантирилди. Ислоҳотларнинг мана шу босқичида судлов иш юритишнинг, том маънодаги мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди” [2].

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашади. Жиноят судлов ишларини юритиш жиноят содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш билан бирга, жамиятнинг бошқа аъзоларига тарбиявий таъсир ҳам кўрсатади.

Демак, жиноят процесси жиноят ишини қўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш, жиноят ишларини мазмун ва моҳиятига кўра ҳал қилиш, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш, суд ҳукмлари (ажрим, қарор)ни ижро этишда иштирок этадиган суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органларининг ҳамда бошқа иштирокчиларнинг жиноий-ижтимоий муносабатларини тартибга солади. Уларнинг фаолияти жиноятларни очишга, айбдорларни фош этишга, етказилган мулкий зиённи қоплашга, айбдор шахсларга қонуний, асосли, адолатли жазо тайинлашга, жиноятларнинг олдини олишга, фуқароларни қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади [3,4,5,6,7].

Ўзбекистон Республикасида жиноят - судлов ишларини юритиш Жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинади. Жиноят-процессуал кодексида белгиланган жиноят ишларини юритиш тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув, адвокатура органлари, шунингдек, фуқаролар учун ягона ва мажбурий бўлиб (ЖПКнинг 1-м.), у иш юритилишининг қонунийлигини, ишда иштирок этадиган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳамда эркинликларини таъминлайди, қабул қилинадиган қарорларнинг асосли ва адолатли бўлиш кафолатларини яратади.

Жиноят ишларини юритиш тартиби процессуал шакл билан белгиланади. Қонунда аниқ кўрсатилган шарт-шароитлар, жиноят процессуал ҳаракатларни изчиллик билан расмийлаштириш, тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки тугатилиши жиноят процессуал шакл деб аталади [8].

Ҳозирда жиноят процессининг тортишув шакли тортишув-судлов юритувининг демократик принципи бўлиб, унга биноан, ишнинг муҳокамаси тарафларнинг баҳслари шаклида амалга оширилади [9.646].

Шундай қилиб, жиноят процессининг тортишув шакли ёки бошқача айтганда – замонавий жиноят процесси, аввалги тарихий шакллардан шуниси билан фарқ қиладики, бундай суд юритувида жиноят-процессуал функциялар аниқ бўлинишига эга ва ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган субектларнинг процессуал мавқелари тенг даражада белгиланган. Тортишувга асосланган суд юритувида ишни ҳал этувчи, нафақат у ёки бу тарафнинг ғалабасини эътироф этиш билан машғул, балки иш бўйича ҳақиқатни ўрнатиш учун суд муҳокамасига бевосита раҳбарлик қилиш, тўпланган далилларни ўз ички ишончига

асосланган ҳолда баҳолаш ва иш бўйича узил-кесил қарор чиқариш фаолиятини қамраб олувчи функцияни амалга оширади.

Адабиётларда тортишув процесси – айблов юритув шакли асносида пайдо бўлиб, процесснинг ушбу шакли асосан англо-саксон ҳуқуқ тизимида кенг ривож топганлиги қайд этилади [6.21]. Бироқ, тортишув нафақат англо-саксон ҳуқуқ тизими шу билан бирга, континентал ҳамда диний ҳуқуқ тизимларидаги жиноят процессининг ҳам ташкилий-процессуал ғоясидир.

Таъкидлаш лозимки, жиноят-процессуал қонун процессуал ҳаракатларнинг (тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг) фақат шартларини эмас, балки кетма-кетлигини ҳам тартибга солади. Масалан, дастлабки тергов фақат қўзғатилган иш бўйича суд муҳокамаси – фақат жиноят иши судда кўриш учун тайинланганидан сўнг амалга оширилиши мумкин; ҳукмнинг кучга кириши – агар унинг устидан шикоят берилмаган (протест келтирилмаган) бўлса, унинг устидан апелляция тартибида шикоят берилиши (протест келтириш) муддати тугаганидан кейингина ёки агар унинг устидан шикоят берилган ёхуд протест келтирилган бўлса, юқори суд томонидан уни ўз кучида қолдирилганидан кейин ва ҳоказо.

Жиноят процессуал қонуни муайян процессуал ҳаракатларни расмийлаштирадиган тегишли ҳужжатларни назарда тутади: суриштирув ва дастлабки тергов босқичида – қарорлар ва баённомалар, суд муҳокамаси босқичида – ажримлар, ҳукмлар ва бошқалар.

Процессуал шаклга сўзсиз риоя қилиш талабига оддий расмиятчилик сифатида қараш мумкин эмас. Процессуал шакл – жиноят процессуал ҳужжатлар қонунийлиги ва асослилигининг, суд репрессияси аниқлигининг, жиноят процессининг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти юқори даражада таъминланишининг, жиноят ишларининг суд муҳокамасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлалигича муҳофаза этилишининг муҳим кафолатидир [8].

Жиноят ишларини юритиш тизими бевосита жиноят процесси муайян босқичлардан ташкил топади. Жиноят-процессуал қонунда жиноят процессининг қуйидаги босқичлари эътироф этилган: жиноят ишини қўзғатиш; суриштирув ва дастлабки тергов; жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ва суд муҳокамаси; ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш; ҳукмни ижрога қаратиш.

Уларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги ва кетма-кетлиги шундаки, бир босқич иккинчи босқичга хизмат қилади, бир босқич якунланмасдан, иккинчи босқич бошланмайди, ҳар бир босқичнинг якуний ҳужжати иккинчи босқич фаолиятининг бошланишига асос бўлади. Масалан, жиноят ишини қўзғатиш қарори бўлмасдан туриб дастлабки терговни олиб бориш мумкин эмас, суд муҳокамасини ўтказмай якуний - бўлмиш ҳукм чиқарилмайди, ҳукм устидан шикоят ёки протест келтирилмаса, ҳукм, ажрим ва қарорларни текшириш босқичи бошланмайди, ёки ҳукм кучга кирмаса, уни ижрога қаратиш мумкин эмас.

Жиноят ишини қўзғатиш – жиноят процессининг дастлабки босқичидир. Жиноят ишини қўзғатиш орқали жиноят иши юзасидан жиноий-ҳуқуқий муносабат бошланади [10]. Б.Б.Хидоятов тўғри таъкидлаганидек, “жиноят ишини ўз вақтида ва қонунга асосан қўзғатиш жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бориш, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларни қонунларга буйсуниш руҳида тарбиялашга имкон яратади” [11.50].

Жиноят ишини тез ва ўз вақтида қўзғатилиши содир қилинган жиноят изидан дарҳол йўналиш олишига, тергов ишини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради ҳамда тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун асос беради. Аксинча, жиноят ишини қўзғатишнинг кечиктирилиши жиноят изини йўқолишига, гувоҳларнинг иш ҳолатларини унутишига, терговни мураккаблашишига, айрим ҳолларда эса самарасиз натижага олиб келади.

Жиноят ишини қўзғатиш дастлабки терговнинг бошланғич қисми бўлмай, балки у мустақил босқич ҳисобланади. Зотан, жиноят ишини қўзғатиш ўзининг: 1) тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларига; 2) процесс иштирокчиларига; 3) ўз муддатларига; 4) процессуал ҳужжатларига эга. Шундай экан, жиноят ишини қўзғатиш жиноят процессининг дастлабки ва мустақил босқичидир. Жиноят ишини қўзғатиш жиноят процессининг дастлабки босқичи сифатида дастлабки тергов органлари фаолиятининг расман кенг кўламда бошланганлигини англатади.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида жиноий-ижтимоий муносабат юзага келиши ёки барҳам

топиши ҳам мумкин. Жиноят ишини қўзғатиш босқичи: 1) жиноят иши қўзғатиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг қатъий белгиланганлиги; 2) Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгиланган асос ва сабаблар бўлмай туриб жиноят иши қўзғатилмаслиги, 3) аноним хабарларга асосан жиноят иши қўзғатилмаслиги, 4) қонунда белгиланган тергов ҳаракатларидан ташқари тергов ҳаракатларини ўтказишга йўл қўймаслик каби жиҳатлари билан тавсифланади.

"Жиноят ишини қўзғатиш босқичининг аҳамияти ҳодисанинг жиноят ёки жиноят эмаслигини аниқлаб беришидадир. Айнан шу босқичда жиноий қилмиш тавсифланади" [12;13.111], деб ёзади бир гуруҳ рус олимлари. Бироқ, бунда дастлабки малакалаш амалга оширилади, десак тўғрироқ бўларди, чунки, қилмиш жиноят процессининг кейинги босқичларида қўшимча малакаланиши ёки айблов ўзгариши ҳам мумкинлигини инобатга олиш лозим.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичидан кейин суриштирув ва дастлабки тергов босқичи келади. Суриштирув процессуал фаолиятнинг тури сифатида жиноят-процессуал қонуни асосида жиноят иши қўзғатилгандан сўнг амалга оширилади ва ишни терговчига ўтказиш билан тамомланади.

Мазмунан "дастлабки тергов" қуйидаги фаолиятни ўз ичига олади: қонунда белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан жиноятларни очиш, айбдорларни фош этиш, жиноят иши бўйича ишда қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва адолатли қарорлар қабул қилиш [14.2]. Дастлабки тергов барча терговчилар учун умумий бўлган ва улар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи бевосита процессуал вазифаларга эга. Улар ЖПКнинг 2-моддасида назарда тутилган умумий вазифалардан келиб чиқади.

Жиноят процессида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш муҳим босқич бўлиб ҳисобланади. Унда судьялар (суд раиси) жиноий ишни судда кўриб чиқиш учун етарли асослар мавжудлигини текшириб, бундай асослар етарли деб ҳисоблаганида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлайди. Суриштирув ва дастлабки тергов ўтказилган ва айблов хулосаси тузилиб, прокурор тасдиғидан ўтган барча жиноят ишлари ушбу босқич орқали ўтади. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш айбланувчининг айбдор эканлигини билдирмайди, балки фуқароларнинг асоссиз жиноят ишлари судда кўриш учун тайинланмасликларини кафолатлашга қаратилган бўлади.

Суд муҳокамаси жиноят процессининг муҳим босқичи бўлиб, унда суд ишни моҳиятан кўриб чиқади, яъни, судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги, шунингдек, унга нисбатан жиноий жазо чораларини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги масалани ҳал қилади [15].

Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритишни қамраб олади. Суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ва қарорини ижро этиш босқичи тегишли суд томонидан бу қарорларни ижрога қаратиш, қарорларни ижро этишнинг ўзи билан боғлиқ қатор масалаларни ҳамда ҳукмни ижро этиш вақтида юзага келган масалаларни ҳал этишдан иборатдир. Мана шу босқичлар бирлиги жиноят ишларини юритиш тизимини ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят ишларини юритиш тизимида алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш умумий жиноят-процессуал тизимдан фарқ қилади ёки умумий қоидалар билан бир қаторда бошқа махсус қоидалар асосида ҳам тартибга солинади. Шунингдек, жиноят процессида қўшимча муҳофазага муҳтож бўлган шахслар тоифаси алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш сифатида ажратилган бўлиб, бу ушбу шахсларни умумий қоидалар билан бир қаторда махсус қоидалар ёрдамида ҳам қўшимча муҳофаза қилишни таъминлаш учун хизмат қилади. Шундай экан, мухтасар қилиб айтганда, алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш умумий жиноят ишларини юритишнинг таркибий қисми бўлиб, ўзига хос хусусиятлари билан жиноят ишларини юритишнинг бошқа шаклларидан ажралиб туради.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 15-16.
2. Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида / Халқ сўзи.- 2001.- 31 август.
3. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати концепцияси. – Т.: ТДЮИ, 2006
4. Уголовный процесс. (Учебник) / Под ред. Лупинская П.А. – М.: Юрист, 1997
5. Уголовный процесс: Учебник для вузов / Под общ. ред. В.И. Радченко.- М., 2009.
6. Уголовный процесс. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов / Под ред. К.Ф. Гуценко.- М., 2008
7. Уголовный процесс России / Под ред. З.Ф. Ковриги, Н.П. Кузнецова.- М., 2008.
8. Мухитдинов Ф.М. Уголовно-процессуальная форма: проблемы теории и методологии: Автореф. дисс... д-ра. юрид. наук. – Т., 2005.
9. Большой юридический словарь (Под. ред. А.Я.Зухарева, В.Д.Зоркина, В.Е.Крутских). – М., 1999. – С.646.
10. Жиноят процесси. Умумий қисм. Дарслик / проф. З.Ф.Иноғомжонова таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2007.
11. Хидоятов Б.Б. Уголовно-процессуальная деятельность и уголовно-процессуальные отношения в стадии возбуждения уголовного дела // Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги: кеча, бугун ва истиқболлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – С. 50.
12. Ларин А. М., Мельникова Э. Б., Савицкий В. М. Уголовный процесс России / Под ред. В. М. Савицкого. – М.: Юрист, 1997
13. Тетерин Б.С., Трошкин Е. З. Возбуждение и расследование уголовных дел. – М. , 1997. – 111 с.
14. Руководство для следователя. Под ред. Н.Л. Селиванова. – М.: ИПК “Лига Разума”, 1997. – С. 2.
15. Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства. Т.1. – СПб.: Альфа, 1996.

Тошкент давлат юридик институти,
2012 йил 15 февралда қабул қилинган.